

(Куръонни кўтаргувчилар одобининг баёни)

Абу Закариё Яхё ибн Шарофиддин Нававий

*Биринчи жузъ
(арабчадан таржима)*

Барча хамду сано Аллохгадир, биз ундан ёрдам беришини, хидоятга бошлашини ва барча гунохларимизни кечиришини сўраймиз, нафсларимиз ва амалларимизнинг ёмонлигидан панох тилаймиз. Аллох кимники хидоят килса, уни залолатга бошлагувчи йўқдир, кимники залолатга бошласа, уни хидоятга бошловчи йўқдир. Аллохдан ўзга илох йўклиги, у ёлғиз, шериксиз эканлигига, Мухаммад унинг бандаси ва Расули эканлигига гувоҳлик бераман. Унга, ахли байтига ва сахобаларига кўпдан-кўп саловотлар ва саломлар бўлсин.

Ушбу китоб Имом Раббоний Абу Закариё Яхё ибн Шарофиддин Нававий(рахматуллохи алайх)нинг «Куръонни кўтаргувчилар одобининг баёни» номли асарларидаги баъзи муҳим бобларни ўзида жамлаган. Уни ўзим ва мўмин биродарларим учун Куръони Каримни ўқиш ва ёдлашда манфаатли бўлсин деб, кискартирган холда тақдим килдим.

Мазкур китобнинг муаллифи бўлмиш Имом Нававий хазратлари хижрий 631 йили Дамашкнинг Наво шаҳрида дунёга келдилар. У киши доимо ҳақиқат устида коим бўлганлар. Имом Нававий билан Зоҳир Бибрус ўртасида бўлиб ўтган воқеа ҳаммага маълум ва машҳурдир. Подшоҳ Зоҳир Бибрус Ислому душманларига қарши курашда ўз кўшинини молиявий томондан таъминлаш мақсадида халқдан солиқ йиғишга амр этади ва бир канча факих олимларни чақириб, улардан фатво хам олади, илло Имом Нававий бунга норози бўлиб, фатвога имзо чекмайдилар. Буни эшитган султон Бибрус газабланади ва бир мажлис чақиришга аҳд қилади. Кўпчилик хозир бўлган бу йиғинда подшоҳ у кишига қараб: «Факих уламолардан бўлган дўстларинг уруш учун халқдан солиқ йиғишга фатво берганларида нима учун сен қаршилик кўрсатмоқдасан?» – дейди.

Шунда Нававий хазратлари шижоат билан ва жасуруна охангда шундай деб жавоб кайтардилар: «Маълумки, мингта кул ва икки юзта жорияга эгасан. Кулларинг хар бири ўз отига эга бўлиб, отининг айили олтиндандир. Жорияларинг эса олтин ва кумушдан бўлган кимматбахо такинчоклар билан безанган. Агар шуларни ишлатиб, уруш харажатларини тўлдирсанг хам, уларнинг ҳеч нарсаси камайиб колмайди (оч колмайдилар). Шундай экан, яна нима сабабдан халқдан солик йигиш учун фатво беришим керак?!»

Бу гапларни эшитган султон, токатсизланиб: «Агар бир юртда мен билан яшай олмайдиган бўлсанг, менинг мамлакатим (Дамашк)дан чик», – деб бакирди. Лекин газаби босилгач, Зохир Бибрус ўз фикридан кайтди ва Нававийдан «Сенга колишлик рухсат берилса хам, нима учун кетмокчисан?» деб сўради. У киши сабот ва олимларга хос бир тарзда «Сенинг хузурингда колишга рози бўлишимни каердан билдинг. Лекин мен, албатта, кетишим лозим», дея хаммани хайрон колдириб чикиб кетдилар.

Имом Нававийнинг тасниф этган асарларидан

Имом Нававий бир канча машхур китобларни тасниф килганлар. Улардан энг машхури Имом Муслимнинг сахихларига ёзган шархлари, «Риёзус-солихийн» («Солихлар боги»), «Ал-азкор ал-мунтахаба мин калами саййидил аброр» («Яхшилар саййидининг каломидан танлаб олинган зикрлар»), «Шархул-арбаъийн» («Кирк хадис шархи») хамда фикхга оид бошка китоблар. Имом Нававий хижрий 676 йил, ражаб ойида вафот этганлар

Ушбу мухтасар китобда Имом Нававийнинг ибораларини ўзгартирмай беришни лозим топдим ва баъзи мухим бобларни унга кўшимча тарзда киритдим. Мазкур китобга ахамият бериб, уни ўқувчиларга етказишга мени ундаган нарса шу бўлдики, ҳозирги пайтда аксарият Куръон ахли (Куръон ўқитувчи ва ўрганувчилар) орасида Куръонга бўлган ҳурмат пасайган, унинг одоблари нутилган, лагв, фойдасиз гаплар ундан устун кўйилмокда.

Аллох Таолодан Куръон хакикати билан басират кўзларимизни очишни ва унинг ҳурматини бажо келтиришимни насиб этишини сўрайман.

Эй Карим, Маннон ва Улуг фазилат эгаси бўлган Аллохим, бизларни Китобингга чиройли тарзда кайтаргин, уни калбларимизга ошно ва кўзларимизга нур килгин ва унинг шарофати билан бизларни гам-ташвиш хамда кулфатлардан аритгин. Эй рахмиларнинг рахмлиси!

Аллохим, ушбу китобни барчамизга манфаатли кил, Киёмат кунида яхшиликлар мезонида бўлсин. Ушбу китобнинг сохиби Имом Нававий хазратларини хам улуг ажр-мукофотлар билан тақдирла. Бизни у киши ва бошка суйганларимиз билан жаннатда мангу колдир! Омин.

Абу Яхё Закариё Саъид хижрий 1411 йил, ражаб ойининг 28 куни

(милодий 1991 йил 13 февраль)

Ўзга динлардан динимизни устун килиб, иймон йўлига бошлаган, пайгамбарларнинг энг афзали бўлмиш – хабиби, халили, бандаси ва Расули Мухаммадни (соллаллоху алайхи васаллам) бизларга юбориб, унинг шарофати билан бут-санамларга ибодат килиш ва ширк амалларга бархам берган ҳамда ул Зотни замонлар оша ўз мўъжизаси билан одамларни лол колдираётган Куръони Карим билан азизу мукаррам килган куч-кудрат, фазлу каромат, хайр-саховат сохиби бўлмиш рахмдил ва меҳрибон Аллохга беҳад ҳамду санолар бўлсин

Куръони Каримни тиловат килиш фазилатлари хусусида

«Албатта, Аллохнинг китоби (Куръон)ни тиловат киладиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз уларга ризк килиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфок-эхсон киладиган зотлар харгиз касод бўлмайдиган олди-сотди (яъни улардан яхши амал ва инфок-эхсон, Аллохдан ажр-мукофот бўлиши) дан умидвордирлар. Зеро, (Аллох) уларнинг ажрларини комил килиб берур ва ўз фазлу карамидан уларга яна зиёда (мукофотлар) ҳам берур. Албатта, У магфиратли ва шукр килгувчи (озгина яхши амал учун кўп мукофот ато килгувчи) дир». (**Фотир сураси, 29-30 оятлар**)

Усмон ибн Аффон розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан ривоят киладилар: «Сизларнинг яхшиларингиз Куръонни ўрганиб, сўнг уни (бошкаларга ҳам) ўргатувчилардир». (**Бухорий ривояти**)

Оишарозияллоху анхо ривоят киладилар: Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам шундай деганлар: «Куръонни махорат билан тиловат килгувчи кори улуг фаришталар билан бир макомдадир, тили кийналиб тиловат килгувчига эса икки баробар кўп ажр бўлади». (**Бухорий ва Муслим ривояти**)

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху Набий соллаллоху алайхи васаллам шундай деганларини ривоят киладилар: «Куръонни кироат килгувчи мўмин худди утружжа (лимон)га ўхшайди, унинг хиди ҳам, мазаси ҳам яхши. Куръонни ўқимайдиган мўмин эса хурмо кабидир, унинг хиди йўқ, аммо мазаси ширин. Куръонни ўқийдиган мунофик(фожир, нопок одам) хусусига келсак, у райхон каби хушбўй, аммо мазаси

аччик. Куръонни ўқимайдиган мунофик эса худди ханзала (таъми ва хиди ёкимсиз бўлган ўсимлик) янглиг таъми аччик, хидсиздир». (**Бухорий ва Муслим ривояти**)

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Набий соллаллоху алайхи васалламдан ривоят киладилар: «Дархакикат, Аллох Таоло бу Калом (Куръон) билан баъзи кавмларни (уларнинг даражаларини) кўтариб, бошқаларни туширади». (**Муслим ривояти**)

Абу Умома Бохилий розияллоху анху ривоят килишларича, Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам шундай мархамат килганлар: «Куръон ўқинглар, зеро, у Киёмат куни ўз сохибларини шафоат килиб олади». (**Муслим ривояти**)

Ибн Умар розияллоху анху Набий соллаллоху алайхи васалламдан ривоят киладилар: «(Хасад килиш мумкин эмас, аммо) икки кишига хасад килса бўлур: биринчиси, Аллох унга Куръон илмларини берган бўлиб, у кечаю кундуз уни тиловат килиб, у асосида иш тутувчи киши бўлса, иккинчиси, Аллох унга халол мол-дунё ато этган бўлиб, у ўз бойлигини кечаю кундуз инфок-эхсон килаётган кишидир». (**Бухорий ва Муслим ривояти**)

Абу Масъуд Бадрий розияллоху анхундан ривоят килинади: Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам айтадилар: «Аллох Таолонинг Китоби (Куръонни)ни яхшироқ ўқигувчи кори кавмга имомлик килади». (**Муслим ривояти**)

Жобир ибн Абдуллох розияллоху анху ривоят киладилар: Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам Ухуддаги жангда шахидларнинг хар иккитасини бир кабрга кўйдирар эдилар. Аввал: «Буларнинг кай бири Куръонни кўпроқ ёд билар эди?» деб сўрар, сўнг кайси маййитни кўрсатишса, ўшани лахадга олдин кўйдирар эдилар. (**Бухорий ривояти**)

I боб. Куръон ўргатувчи ва ўрганувчининг одоби

1. Куръон ўргатувчи(муаллим)нинг одоби.

• Авваламбор, Куръон ўргатувчи ва ўрганувчилар ушбу амални Аллох таолонинг розилиги учун килишлари лозим.

«Холбуки, улар факат ягона Аллохга, у Зот учун динни холис килишга, тўғри йўлдан олмаган холларида ибодат килишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни(ҳақдорларга) беришга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри (йўлдаги миллатнинг) динидир». (**Байина, 5**)

Сахихайнда Расулulloх соллalloху алайхи васалламдан шундай ривоят килинади: «Дарҳақиқат, барча амаллар ниятга боғлиқдир ва ҳар бир кишининг ният қилган (нарсаси)и бўлади».

Ибн Аббос розияллоху анху шундай дейдилар: «Кишига ният қадрича (савоб) берилади».

Абулқосим Кушайрийдан эса: «Ихлос – тоатда ният билан ёлғиз Аллох таолонинг розилигини иштадир. Ва бу билан у одамларнинг мактови, гап-сўзлари, мадхларидан йирок бўлиб, факатгина Аллох таолога яқин бўлишни хоҳлайди», – деганлар.

Айтиладики, Ихлос – одамларнинг мулоҳазаларидан ўзини узок тутиб юриш (парво қилмаслик)дир.

Сахл Тустарий айтадилар: «Ихлос (банданинг) ҳаракатда ҳам, тинч ҳолатда ҳам, хоҳ махфий бўлсин хоҳ ошқора, ёлғиз Аллох таолонинг ўзи учун амал қилишидир ва унга нафс хоҳишлари, хою ҳавас ва дунё (ташвишлари) ҳалал беролмайди».

• Куръон ўргатувчи-устоз ушбу амали ила дунёвий мақсад (неъмат) ларга эришишни ният қилмаслиги керак. Бинобарин, мол-дунё, (одамлар устидан) бошчилик қилиш, шон-шухрат, дўсту душманидан устун келиш, бировлардан мактов эшитиш ёхуд бирор бир қилган ишини миннат қилиш ва шу каби ёмон иллатлардан сакланмоғи лозим.

• Куръон ўргатувчи муаллим ўз кўл остидаги шогирдларидан оз бўлса-да яхшилик (манфаат)ни таъма қилмасин, хоҳ у пул ёки хизмат шаклида бўлсин. Бирок шогирд кўнгилдан чиқариб бирор бир совға ҳадя этса, олиши мумкин.

«Ким (ўз амали билан) Охират экини(савоби)ни истар экан, Биз унга экини(ҳосили)ни мўл-зиёда қилурмиз. Ким дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандан (дунё матохларидан) берурмиз ва унинг учун Охиратда бирор насиба бўлмас!» (**Шўро сураси, 20**)

«Ким нақд (дунё)ни кўзловчи бўлса, Биз (шу дунёда улардан) ўзимиз истаган қимсалар учун ўзимиз хоҳлаган нарсани нақд қилиб берурмиз». (**Исро сураси, 18**)

• Куръон муаллимнинг шогирдлари кўпчиликни ташкил қилса, уларни айтиб мактанишдан саклансин. Агар муаллимнинг шогирди ўзга муаллимлардан бирон нарса сўраб, уларнинг илмидан фойдаланса, бунга унинг жахли чикмасин, зеро, бу баъзи жохил олимлар мубтало бўлган иллатдир ва бу унинг нияти ёмон эканлигига очик хужжатдир ва шу илмни Аллох таолодан ўзганинг розилиги учун берганига катъий далилдир. Агар унинг нияти яхши бўлганида, нафсига шундай хитоб қилган бўлур эди: «Мен, ушбу илм билан Аллохнинг розилигини истадим ва унга эришдим ҳам».

Али ибн Абу Толиб айтадилар: «Эй Куръон (ёхуд илм)ни кўтаргувчилар, илмингизга амал қилингиз, билганига амал қилган хақикий олимдир ва унинг амали илмига мувофиқдир. Сизлардан кейин бир қавм келади, улар илмни кўтариб юрадилар, аммо илмлари елкаларидан тепага кўтарилмайди, амаллари илмларига, айтган гаплари дилларидагига хилофдир. Улар халка-халка бўлиб ўтирадилар, лекин ораларидан фитна чиқиши сабабли бир-бирларидан газабланиб мажлисни тарк этадилар. Уларнинг ўша ўтиришларида амаллари Аллох таолога кўтарилмайди».

Имом Шофеий раҳматуллоҳи алайҳ: «Одамлар Ушбу илм (яъни Куръон)ни ўрганишларини ва ундан менга бирор харф насиб этмаслигини хоҳлардим». (Бу ерда Куръон ёки илмни бирор харфини ҳам қолдирмасдан яхшилаб ўрганишга тарғиб қилинмоқда – тарж.)

• Куръон муаллими шариатда кўрсатилган чиройли хулқлар, макталган сифатлар, барчага маъқул бўлган хусусиятлар билан хулқлансин. Шунингдек, дунёда зуҳд қилиш, орзу-хавасни қамайтириш, ўзини ва ахлини дунёнинг ўткинчи матохларига бепарво бўлишга чақириш, саховат, бағрикенглик, хусни хулқ, одобсизлик чегарасидан чиқмаган ҳолда одамларга очик юз билан муомала қилиш, хилм (мулойимлик), сабр ва хар хил ахлоқсиз одатлардан сакланиш, доимо Аллох таолога такво қилиш, қалбнинг доим хушў, хузуў ҳолатида бўлиши, соқин, вкорли, мутавозе (камтар) бўлиши, баланд овозда қулиш ва бошқаларни мазах қилишдан сакланиши, ўзининг шаръий вазифалари (ўзидан хар хил нопокликлар (ёқимсиз хидларни кетказиш, мўйлабни қискартириш, тирноқларни олиш, соқолни тартибга келтириш, ношаръий кийимларни кийишдан сакланиш)ни бажариши лозим.

• Хасад, риё, ўзига бино қўйиш ва ўзгаларни таҳқирлашдан саклансин.

• Дуо ва зикрлар, яъни таҳлил ва тасбех айтишда ворид бўлган ҳадислардан фойдалансин. Доимо Аллох таоло унинг махфий ва ошқора ишларини қузатиб турганлигини қалбига жойласин ва бу ишда собитқадам бўлсин. Барча ишларида Аллох таолога таваққул қилсин.

- Ўз шогирдларига яхши муносабатда бўлсин ва вазиятга караб рағбатлантириб ва рухлантириб турсин.

Абу Хорун Абдий раҳматуллохи алайх ривоят киладилар: «Абу Саид Худрий розияллоху анхунинг хузурларига борар эдик ва у киши: «Хуш келибсиз, Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг васиятлари, Набий соллаллоху алайхи васаллам айтар эдилар: «Дархакикат, одамлар сизларга тобедирлар, улар дунёнинг турли чеккаларидан динда факих бўлиш учун хузурингизга келадилар, ўшанда сизлар уларга яхши муносабатда бўлинглар». (**Термизий, Ибн млжжа ва бошкалар ривояти**)

Шунга ўхшаш ҳадисни Имом Доримий ўз Муснадларида Абу Дардодан ривоят киладилар.

Толиби илмга қандай муамала қилинади?

- Муаллим шогирдарига насихат қилишдан вақтини аямаслиги лозим.

Чунки Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам шундай марҳамат киладилар: «Дин насихатдир». (**Муслим ривояти**)

Аллох йўлида шогирдларига ва толиби илмларга насихат қилсин ва фойдали ишларга иршод қилсин, кўлидан келганча илм олишда унга кўмаклашсин ва таълим беришда сабр-каноатли бўлсин.

- Уни дунёга кўнгили кўйиб, у билан мағрурланмаслиги, шижоатли ва илмга янада рағбатини ошириш ва дунёда зуҳд қилишга ундаш максодида яхши фазилатлар (Куръони Карим ва бошка шаръий илмларни ўрганиш) ни эслатиб туради. Бу орифлар ва Аллохнинг солих бандалари тутган йўлдир ҳамда барча анбиёлар алайхимуссалом рутбасидир.

- Илми толибга шафкат қилади, худди ўз фарзанди ва ўзига қайғургани каби унга гамхўрлик қилади, унинг баъзи шўхлик ва одобсизликларига сабр қилади, баъзи бир хатоларини кечиради, чунки инсон хатолардан холи эмас, айникса, кичик ёшда бўлса.

- Ўзи ёқтирган яхши нарсани унга ҳам раво кўриши, шунингдек, ўзи ёмон кўрган нарсани унга ҳам раво кўрмаслиги лозим. Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам айтадилар: «Сизлардан бирор киши ўзига раво кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунча (хақиқий) мўмин бўла олмайди». (**Бухорий ва Муслим ривояти**)

- Ўз шогирдларига қибрланмасин, балки камтарлик билан муносабатда бўлсин, зеро, камтар инсонлар одамларнинг энг афзали бўлганликлари ҳақида кўп нарсани маълум, ўз кўлида таълим олаётган шогирдлари унга ўз фарзандлари каби бўлиб қолган бўлса, қандай қилиб ўларга қибрлансин?!

Ҳадисда шундай дейилади: «Илм ўрганаётган (шогирд)ларингизга ва сизга илм бераётган (устозлагиргиз) га мулойим муносабатда бўлинг».

Айюб Сихтиёний (р.а.) айтадилар: «Олим одам Аллох (азза ва жалла)га камтарлик юзасидан ўз бошига тупрок сепсин».

(Шогирдларни) тарбиялаш усули

• Устоз ўз шогирдларини Суннат одоблари, макталган хулklar рухида тарбиялаши лозим. Шунингдек, нафсини одамлар наздида кичик кўринган хато-камчиликлардан саклаб юришга ундайди. Барча махфий ва ошкора ишларида эҳтиёткорликка, гап-сўзлари ва доимий амали билан ихлос, сидқ, ниятни поклашга чакириб, Аллох таоло уни хар лахзада кузатиб турганлигини эслатади. Чунки шундагина унга (шогирдга) маърифат эшиклари очилиб, кўнгли равшанлашади, калбидан хикмат булоклари кўз очади, устози хам унинг барча ишларига барака тилаб, килган амалларидан рози бўлади.

• Муаллим илм беришда жидди-жаҳд килади ва зурур бўлмаган дунёвий ишларини ундан (таълимдан) устун кўймайди. Таълим бериш жараёнида калбини чалгитувчи барча нарсалардан фориғ килади. (Дарсни) тушунтиришда бор куч-гайратини аямайди, хар бир талабанинг кобилиятига караб, кучи етадиган нарсани беради, яъни илмда кучсизрок бўлганларга кўпайтирмайди, аксинча, кобилиятлиларидан эса ўз илмини кизгонмайди. Ўрганган илмларини такрорлашга буюради ва кобилияти зохир бўлган, аммо бу кобилиятдан заррача хам ажабланмайдиган халим талабаларни оз-оздан мактаб туради. Агар шогирдларидан бири ўз устозидан ўзиб кетадиган такдирда уларга хасад килмайди, Аллох таолонинг унга берган неъматларига (кобилият) ёмон кўз билан карамайди, чунки ўзгаларга хасад килиш харом ва катта гунохдир. Ўз фарзанди ўрнида кўрадиган шогирдига кандай килиб хасад килиш мумкин?! Холбуки, унинг фазилати билан муаллимга катта ажру савоб, дунёда эса хурмат-эҳтиром кайтади. Аллох муваффақ килгувчидир.

• Дарсни ўкитишда биринчи келган талабадан бошлайди, агар биринчи талаба рози бўлса, бошкаларга ўтиши мумкин. Уларни мамнуният, очик юз билан кутиб олади, хол-ахволини суриштириб, дарсда катнашмаган талабаларни йўклайди.

Улардан бирортасининг нияти яхши эмаслигини кўриб, илм беришдан тўхтамайди, зеро илм факатгина Аллох таоло йўлида берилади ва олинади.

• Катъий таъкидланган одоблар куйидагилардир:

— дарс бериш жараёнида кўлни хар томонга уравермаслик;

— хожатсиз кўзларини у ёк-бу ёкка каратмаслик;

— киблага юзланиб, тахоратлик холатда бўлиши;

— топ-тоза, оппок кийимда викор билан ўтириши;

— дарсхонага келганда ўтирмасидан олдин 2 ракат намоз ўкиши (дарсхона масжид ёки бошка жой бўладими – фарки йўк). Агар у ер масжид бўлса, бу амр янада таъкидлирокдир. (Кўпчилик наздида, масжидга кириб 2 ракат намоз ўкимай ўтириш ёмон одатлардандир);

— муаллим дарс асносида чордана куриб ўтириши мумкин. Ибн Масъуд розияллоху анху масжидда одамларга Куръондан таълим бераётиб, тиз чўккан холатда ўтирар эдилар.

• Дарсхона (мажлис) хамма талабалар сигиши учун каттарок бўлгани маъкул.

Набий соллаллоху алайхи васаллам айтадилар: «Мажлисларнинг энг яхшиси уларнинг энг катта ва кенг бўлганидир». (Абу Довуд Сахих исноди билан «Одоб китоби»нинг бошларида Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят киладилар)

2. Куръон ўрганувчи(муаллим)нинг одоби.

- Барча зикр килинган одоблар муаллимлар билан бир каторда шогирдларга ҳам тегишлидир. Ва буларга кўшимча килиб, баъзиларини эслатиб ўтамиз. Дарс давомида хожатдан ташкари (яъни мухим бўлмаган), халакит берувчи нарсаларни ўзидан узоклаштириши лозим.

- Куръонни қабул қилиш, ёдлаш ва унга амал қилишда осон бўлиши учун қалбини ҳар хил нопокликлардан поклайди. Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам айтадилар: «Огоҳ бўлингки, жасадда бир парча гўшт бор, агар у яхши бўлса, бутун жасад яхшиланади, агар у бузилса, бутун жасад бузилади, огоҳ бўлингки, у қалбдир». (**Бухори й ривояти**)

Айтиладики: «Ер экишга қандай тайёрланса, қалб ҳам илмга шундай тайёрланади».

- Агар у ёш жихатдан кичик, насаб, такво ва шухрат жихатидан пастрок бўлса, ўз муаллимига одоб ва камтарлик билан муносабатда бўлади, шунингдек, илм олишда ҳам камтар бўлади, бу унинг даражасини юксалтиради.

Яна айтиладики: «Тақаббур одамга илм бериш, баланд жойга сув чиқариш қаби қийиндир».

- У муаллимнинг сўзига қулоқ тутаяди, ҳар бир ишини у билан маслахатлашиб амалга оширади, худди ақлли бемор ўз ишига уста табибнинг маслахатларига амал қилгани қаби унинг насиҳатларини қабул қилади. Бу унинг учун кўпгина манфаат келтиради.

- Фақатгина қобилиятли, диёнатли, маърифати қамол топган ва такволи устоздан илм олади. Мухаммад ибн Сийрийн, Молик ибн Анас ва бошқа салаф уламолар айтадилар: «Бу дин илмидир, динингизни қимдан олаётганингизга эътибор беринг».

- У муаллимига ҳурмат кўзи билан қарасин, ўзининг зехнли, қобилиятли эканлиги ва илмда аста-секин кўтарилиб бораётганлигига шубҳа қилмасин, чунки у ўрганаётган илмидан манфаат олиш арафасида. Баъзи ўтган уламолар талабалик даврларида ўз устозларининг ҳузурига борганларида шундай дердилар: «Аллоҳим, устозимнинг айбини мендан яширгин ва менга (илм) берганлиги туфайли унинг илмининг баракасини кетказма».

Робиъ – Шофеий раҳматуллоҳи алайхнинг дўстлари – шундай дейдилар: «Шофеий хайбат билан қараб турганларида мен сув ичишга ҳам ботинолмасдим».

Амирул мўминин Али ибн Абу Толиб айтадилар: «Мажлисга кирганда шогирд барчага салом бериши ва устозига ўзгача ҳурмат кўрсатиши лозим. Шогирд муаллимнинг олдида ўтиради, унинг қошида (ўзгаларни) қўли билан кўрсатмайди, кўзи билан имо-ишора қилмайди ва «фалончи сизнинг гапингизга хилоф тарзда бундай деди» деб

айтмайди, унинг хузурида хеч кимни гийбат килмайди, мажлисда ўз тенгдошлари билан ўзаро маслахатлашмайди, устози ўрнидан турса, одоб саклаб туради, агар устози озрок толиккан бўлса, уни маломат килмайди, агар сухбати чўзилиб кетса, сабр килади, агар устозини гийбат килсалар, уларни кайтаради, агар бунга кодир бўлмаса, ўша мажлисни тарк этади».

- Устозининг хузурига одоб-ахлоқ билан, тахоратлик, калбини машгул килгувчи, чалгитувчи нарсалардан холи килган холатда киради. Агар устози рухсат сўраладиган холатда бўлса, хузурига унинг изнисиз кирмайди.

- Мажлисда одамлар кўп бўлса, уларни хатлаб ўтмай, бўш жой топиб ўтиради, илло, агар устози унга рухсат берса ёки бошка талабалардан уни афзал деб билса, олдинга ўтиши мумкин. Хеч кимни жойидан тургизмайди. Заруриятсиз халканинг ўртасида ўтирмайди, рухсатсиз 2 сухбатдошнинг орасига ҳам ўтирмайди, бўш жой унинг ўрнидир ва ўша жойни ўзи билиб эгаллайди.

- Шунингдек, ўз дўстлари ва мажлисда хозир бўлганларга ҳам одоб билан муносабатда бўлади. Бу эса унинг устоз ва мажлисга бўлган хурматидан далолатдир. Ўз устозининг олдига толиби илмларга хос тарзда ўтиради ва хожатсиз овозини баланд кўтармайди, кўп гапирмайди, бировларнинг устидан мазах килмайди, кўли ёки бошка аъзолари билан хар хил ножўя харакатлар килмайди. Хожатсиз ўнгга ва сўлга карамайди, балки устозига юзланиб, унинг гапларига кулок тутиб ўтиради.

- Устозининг калби бирор нарса билан машгул бўлса (чарчок, гам-ташвиш, мудрок, хавотир) ёки хаёли жойида бўлмаган холатларида шогирд унга дарс топширмайди. У устозининг тетик ва дарсга иштиёкманд бўлган холатини ганимат билиши лозим.

- Устозидан баъзи кўполлик ёки одобсизлик ўтадиган бўлса, уларга сабр килади, бу нарса шогирднинг устозга бўлган хурматига таъсир килмаслиги лозим. Устози унга азият етказиб кўйса, шогирд уни маъзур тутари, шунда гуноҳ ҳам маломат ҳам ўзида бўлади. Агар у шу йўлни тутса, дунё ва охиратда унинг манфаатини кўради.

Айтадиларки: «Кимки илмнинг кийинчиликларига сабр килмаса, умри жахолат зулматида қолади. Кимки сабр килса, дунё ва охиратда иззат топади». Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху: «Толибни эмас, матлуб(илм)ни азиз билдим» - деганлар.

Яна шундай дейилади: «Кимки бир соат бўлса ҳам машаккат чекмаган бўлса, у учун замон иплари узилгандир.»

- Шунингдек, илми толиб илм олишда барча вақтини ганимат билиб жидди-жаҳд килади, кўп илм эгаллаш мумкин бўлгани холда ози билан каноатланмайди. Зерикиш ёки эгаллаган илмини йўқотиш хавфи бўлса, нафсига ортикча юк юкламайди. Бу хар бир инсонда ўз холатига караб хар хил бўлади.

Агар мажлис (дарсхона)га кириб, у ерда устозини топмаса ва устози унга каршилиқ билдирмаган бўлса, унинг эшиги олдида қачон (кай вақт) топшириши (ўқиши)ни аниқ билган холда кутиб туради, чунки устози уни бошка пайтда ўқитмайди. Агар устозини ухлаётган ёки бошка талабалар билан машгул холатида топса, киришга изн сўрамайди, балки сабр килиб кутиб туради ёки кетади. Сабр килиб кутиш афзалдир, зеро ибн Аббос розияллоху анху ва бошқалар ҳам шундай килган эдилар.

- Шогирд бўш вақтида, куч-куватга тўлиб-тошган (ёшлиқ) пайтида хаёли чалгимасдан, турмуш ташвишлари кўпаймасдан ёки бирор мансабга кўтарилмасдан олдин илм олишга бор куч-гайратини сарфлаб, жидду жаҳд килиши лозим.

Амирул мўминин Али розияллоху анху айтадилар: «Бошлиқ этиб сайланмасингиздан олдин динда факих бўлинглар». Ушбу жумланинг маъноси шуки, инсон кимгадир

тобелик пайтида бошлик бўлмасидан олдин кобилиятини сарфлаб, илм олишга жидду жаҳд килсин. Чунки инсон бирор бир мансабга кўтарилса, ишлари кўпайиб кетиб, илм олишга вақт ажратолмай қолиши мумкин. Имом Шофеий раҳматуллоҳи алайҳ ҳам шу хусусда: «Бошлик бўлмасингдан олдин илм ўрган, чунки бошлик бўлсанг, илм олишга имкон бўлмайди».

- Бомдод намозидан сўнг, яъни нахор пайтида илм олиш фазилатли ва баракалидир. Бу борада Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат киладилар: «Аллоҳим, умматимнинг барвақт килган ишларини баракали килгин». (Абу Довуд ва Термизий ривояти)

- Ўртоқлари ёки бошқаларга Аллоҳ таоло берган фазилат (иктидор, зехн)га ҳасад килмасин ва ўз нафсидан ҳам ажабланмасин, чунки Аллоҳ таоло унга шуни маъқул кўрган.

- Ҳасаддан тийилишнинг йўли – бу унга берилган фазилат Аллоҳ таолонинг хикмати эканлигини билишдир.

- Ўз нафсидан ажабланишнинг олдини олиш йўли эса барча эришаётган ютуқлари, ўз куч-қуввати билан эмас, балки Аллоҳ таолонинг унга берган фазлу карами туфайли эканлигини ёдда тутишдир, зеро, барча яхшиликни Аллоҳ ато этади.

II боб.

1. Куръонни кўтарувчилар одоби

- Уларнинг одоблари қуйидагилардир:

- доимо гўзал хулқ-одобни ўзида намоён қилиш;

- Куръонга бўлган ҳурмат юзасидан унда нахий қилинган нарсалардан қайтиш;

- ёмон хулқлардан тийилиш;

- дунё ахлидан етган жабру жафоларга сабр қилиб, уларни афв этиш;

- солих, ахли фазл ва мискинларга камтарона муомалада бўлиш;

- қалблари доимо хушўли, ўзлари эса сокин ва викорли бўлиш (ва шу қаби) лардир.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху айтадилар: «Эй қорилар жамоаси, бошингизни кўтаринг, сизларга (Куръон орқали) йўлингиз белгилаб берилди, яхшиликларга шошинг ва (дунё ва охират ишларини баробар олиб боринг) одамларга хожатманд бўлиб қолманг».

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху шундай дейдилар: «Куръонни кўтарувчи инсон бошқа одамлардан қуйидаги сифатлар билан ажралиб турмоғи лозим:

- одамлар уйқудалик вақтида намозда қоиим туриши;

- одамлар рўза тутмаган вақтларида у соим бўлиши;

- одамлар хурсандчиликдан қулганларида унинг (охират) гам-ташвишида бўлиб, кўзи намланиши;

- одамлар беҳуда лагв сўзларга берилганда у сукут сақлаши;

- одамлар мағрурланиб қибр-хавога берилганларида унинг хушўли бўлиши».

Ҳасан ибн Али розияллоҳу анхум айтадилар: «Сизлардан олдинги қавм Куръонни Роббиларидан қелган мактуб деб билиб, уни кечалари ўқиб тадаббур қилар, қундузи

эса уни хаётга тадбик этардилар».

Фузайл ибн Иёз (рахматуллохи алайх) айтадилар: «Куръонни кўтаргувчи ўз хожатини чиқариш максасида халифа, султон ва бошқаларнинг эшигини кокмасин».

У киши яна шундай дейдилар: «Хомилул Куръон Ислом байрогини кўтариб юргувчидир. У Куръон хаккига эхтиром юзасидан беҳуда ўйин-кулгига берилмаслиги, хато килгувчилар билан бирга хато килмаслиги ва лагв – бемаъни гаплар билан машгул одамлар ила бирга лагв сўзларини сўзламаслиги лозим».

• У Куръонни тирикчилик манбаи килиб олишдан эхтиёт бўлмоги лозим. Абдурахмон ибн Шубайл (розияллоху анху) Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан ривоят киладилар: «Куръонни ўқинглар, лекин унинг орқасидан ризк еманглар, уни ташлаб ҳам кўйманглар ва унда гулув (хаддан ошиш) га ҳам кетманглар».

Куръондан таълим берганлик учун хак олиш борасида уламолар ўртасида ихтилофлар мавжуд. Имом Абу Сулаймон Хаттобий бу учун хак олишни манъ килганлар. Зухрий ва Абу Ханифа (рахматуллохи алайхим) лар ҳам шу фикрдалар. Хасан Басрий, Шаъбий ва ибн Сийрийнлар эса агар олдиндан шартлашиб олинмаса, (кўнгилдан чиқариб берилган нарсани) олишга ижозат берганлар. Ато, Молик, Шофеий ва бошқалар хакни шартлашиб, сўнг уни олиш ҳам жоиз эканлигини айтадилар. Бу хакда саҳих хадислар ворид бўлган.

• Куръонни кўтаргувчи тиловатда бардавом бўлиш ва кўпрок вақтини унга ажратиши лоҳим. Салаф уламолар (рахматуллохи алайхим)нинг Куръонни хатм килиш тарзлари турлича эди. Баъзи салафлар (рахматуллохи алайхим) икки ойда бир марта, баъзилар бир ойда бир марта, баъзилар хар ўн кунда бир марта, баъзилар хар саккиз кунда бир марта, баъзилар етти кун, олти кун, беш кун, тўрт кунда бир марта, кўпчилик уламолар хар уч кунда бир марта, баъзилар бир кунда уч марта, хаттоки бир кунда саккиз мартаба хатм килгувчилар ҳам бўлган, яъни тунда тўрт марта, кундузи тўрт марта.

Ушбу муддатлар хар кимнинг фикр теранлиги, қобилияти ва маърифатининг етуқлигига караб турлича бўлади. Кимки илм таркатиш ёки бошқа муҳим дин ишлари ва мусулмонларга манфаат келтирадиган бир амал билан машгул бўлса, ишига халакит бўлмаслиги учун тиловат муддатини ўзи кодир бўлганча белгилайди. Агар юқорида зикр килиб ўтилганларидан бошқа, унча муҳим бўлмаган ишлар билан машгул бўлса, дунёвий ишига халал бермаган холда тиловатни кўпайтирган маъқул.

Ўтган уламолардан кўпчилиги бир кунда бир марта хатм килишни қарих кўришган.

Бунга Амр ибн Ос (розияллоху анху)дан қилинган саҳих хадисни далил килиб келтиришган. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) айтадилар: «Куръонни уч кундан кам (муддат ичида) ўқиб чиққан одам унинг (маъноларини) тушунмайди». **(Абу Довуд, Термизий. Насоий ва бошқалар ривояти, Термизий ушбу хадисни хасан-саҳих деганлар**

)

• Куръонни бошлаш ва хатм килишнинг ҳафта кунларидаги вақти турличадир, хар кимнинг ўз ихтиёрига боғлиқ. Абу Довуддан қилинган ривоятда айтилишича, Усмон ибн Аффон (розияллоху анху) Куръон тиловатини жума куни кечаси бошлаб, пайшанба куни кечаси хатм қилар эдилар. Умар ибн Мурра (тобеин) айтадилар: «Улар Куръонни туннинг ёки куннинг аввалида хатм килишни яхши кўрар эдилар». Талха ибн Мусарриф тобеин айтадилар: «Кимки Куръонни нахорнинг бирор бир соатида хатм қилса, бир малоика унга кечга қадар, шунингдек, туннинг қай бир соатида хатм қилмасин, бир малоика унга тонг отгунга қадар салават айтиб туради».

2. Кечалари Куръон тиловат килишнинг фазилати

- Куръон ўқиғувчилар учун ихтиёр килинган вақтларнинг энг афзали кечасидир.

Аллох таоло айтади: «Ахли Китоб орасида сажда килган холларида тунлари Аллохнинг оятларини тиловат киладиган тўғри (йўлдаги) жамоат ҳам бор. (Ўша зотлар) Аллохга ва Охират кунига иймон келтирадилар, яхши амалга буюриб, исён-гуноҳдан қайтарадилар ва яхшилиқлар килишга шошиладилар. Анна ўшалар солих бандалардир». (**Оли – Имрон , 113-114**

)
Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) дан собит бўлган саҳих ҳадисда, у киши (соллаллоху алайхи васаллам) айтадилар: «Абдуллох яхши йигит-ку, қанийди, кечалари намоз ўқиса».

Яна бир ҳадисда у Зот (соллаллоху алайхи васаллам) шундай дейдилар: «Эй Абдуллох, кечалари намоз ўқиб юриб сўнгра уни тарк қилган фалончи қаби бўлмагин».

Сахл ибн Саъд (розияллоху анху) Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят қиладилар: «Мўминнинг шарафи – кечаси қоим бўлишлигидадир». (**Имом Табароний ва бошқалар ривояти**)

Бу хусусда кўпгина ҳадис ва уламоларнинг қавллари бор. Абу Ахвас Жушамий айтадилар: «Бир киши кечаси ахли аёлининг эшигини тақиллатиб, у ерда худди асаларининг гўнгиллаши қаби овоз эшитди. Сўнг айтдики: Эй, сизларга нима бўлдики, (Аллохдан) кўрқиб, унга тоат-ибодат қилиш ўрнига тинч, ҳамма нарсадан беғам ва гофил холда ўтирибсизлар?!»

Иброҳим Наҳаъий шундай дер эдилар: «Кўй ёки эчкиларни соғиш сизларни чарчатиб қўйса ҳам, кечаси Куръондан тиловат қилинган».

Язид Раккоший айтадилар: «Агар мен ухласам, сўнг уйгонсам ва Куръон ўқисам, яна ухласам, лекин икки кўзим ухламайди».

Кечалари намоз ўқиш ва кироат қилишнинг афзал қўрилишига сабаб шуки, кечаси қалб тинч холда, ҳар хил қалгитувчи, фитнага солгувчи нарсалардан узок бўлади, инсон дунё ташвишларидан бўшаб роббисига сўгинади ва бундай холда риё ва амалларни ҳабата (бекор) қилгувчи иллатлардан асраниши осонроқ кечади. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) нинг энг ката мўъжизаларидан бўлмиш Исроъ ва Меърож воқеалари ҳам кечаси содир бўлган эди. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) айтадилар: «Роббингиз ҳар кечаси туннинг ярми ўтганида дунё осмонига тушиб шундай дейди: «Бирор дуо қилгувчи борми, мен унга ижобат қиламан...» (**Саҳихи Муслимга қаралсин**

)
Шуни билинганки, кечаси қоим бўлиш ёки Куръон кироат қилиш фазилати оз амални қўпайтиради. Агар янада кўп бўлса, шу афзалроқ, лекин бутун тунни қоим холда ўтказишга одатланиш, унга қийинлик қилади, у бу ишда давомли бўла олмай, ўз

нафсига хам зарар етказиши мумкин.

Туннинг маълум бир кисмини коим ўтказиш тўғрисида Амр ибн Ос (розияллоху анху) Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам) дан килган ривоятида: «Кимки (кечаси) Куръондан ўн оят ўкиса, «гофиллардан эмас» деб ёзилади, кимки юз оят ўкиса, «такводор-ихлосли бандалардан» деб ёзилади». (**Абу Дардо ва бошкалар ривояти**) Саълабий ибн Аббос (розияллоху анху) дан ривоят килдилар: «Кимки кечаси икки ракъат намоз ўкиса, Аллох йўлида сажда килган ва коим бўлган холида тонг оттирибди». Куръонга катта масъулият билан караш, уни унутиб юборишдан огохлантириш хакида Абу Мусо Ашъарий (розияллоху анху) Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят килдилар: «Куръонни такрорлаб туринглар, Аллохга касамки, у ўз арконига боглаб қўйилган туядан хам кўра кочгувчирокдир». (**Бухорий ва Муслим ривояти**)

Ибн Умар (р.а.) Расулуллох (с.а.в.)нинг шундай деганларини ривоят килдилар: «Хофизии Куръон худди боглаб қўйилган туянинг эгасига ўхшайди, агар уни махкам тутса, ушлаб қолади, агарда бўш қўйса, у кочиби кетади». (**Бухорий ва Муслим ривояти**)

Анас ибн Молик (розияллоху анху) Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят килдилар: «Менга умматимнинг ажр-мукофотлари, хаттоки бир кишининг масжиддан олиб чикиб ташлаган кичкинагина хас чўпи (учун олган савоби)гача кўрсатилди. Ва менга умматимнинг гунохлари хам кўрсатилди, улар орасида бир кишига Куръондан бир сура ёки оят берилиб, сўнгра уни унутиб юборганичалик катта гунохни кўрмадим». (**Абу Довуд ва Термизий ривояти**)

Саъд ибн Убода (розияллоху анху) Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят килдилар: «Кимки Куръонни ўкиб-ўрганиб, сўнгра уни унутиб юборса, Аллох (аззава жалла)га Унинг газабига дучор бўлган холида йўликади».

3. Кечаси ўз вазифаси (Куръон тиловати, тахажжуд намозини ўқиш) ни адо этмай

ухлаб колган киши хакида

Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху) Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят киладилар: «Кимки кечаси белгиланган вазифасини бажармай ухлаб колса ва уни бомдод ва пешин намозлари орасида ўкиса, худди кечаси ўкиганлик савобига эга бўлади». (**Муслим ривояти**)

Сулаймон ибн Йасар (розияллоху анху) Абу Усайд (розияллоху анху)нинг шундай деганларини ривоят киладилар: «Кеча Куръондан ўкишим лозим бўлган вазифамни адо этмай, ухлаб колибман, хатто тонг отибди. Уйкудан тургач, истиржоъ айтдим, ўкишим лозим бўлган вазифам «Бакара» сураси эди ва ўша куни тушимда бир сигир мени сузаётганини кўрдим». (**Абу Довуд ривояти**)

Ибн Абу Дунёдан ривоят килинишича, баъзи Куръон хофизлари кечаси кунлик вазифаларини ўкимай ухлаб колганларида, уларга тушларида шундай дейилар эди: «Тани бакуват, сог-саломат йигитнинг сахаргача ухлаб ётишидан ажабланаман, зеро кеч киргач, тун коронгулигида ўлимнинг шиддат билан бостириб келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди».

III боб

Куръон одоблари

Бу боб китобнинг асосий қисмларидан бўлиб, бу тўғрисидаги маълумотлар ҳаммага яхши маълумдир. Мен бу ерда фақатгина Куръон ўқиғувчига керакли бўлган энг муҳим нарсаларни эслатиб ўтиш билан чекланаман.

- Аввал айтиб ўтганимиздек, энг биринчи галда Куръон ўқиғувчи кори ихлосли бўлмоғи, Куръон одобларига тўлиқ амал қилмоғи лозим. Тиловат асносида ўзини Аллох таолога муножот қилаётгандек тасаввур қилсин ва Аллохни кўриб тургандек холатда бўлсин, гарчи у кўрмаса ҳам, Аллох таоло кўриб турғувчидир.

- Кироат қилишдан аввал оғзини мисвок ёки бошка воситалар билан тозалайди. Мисвокнинг энг афзали Арок дарахтидан бўлгандир.

— Мисвок ишлатишни оғизнинг ўнг томонидан бошлайди ва бу билан суннатни адо этаётганини ният қилади.

— Мисвок чўпи ўртача бўлиши, жуда қурук ёки жуда хўл ҳам бўлмаслиги керак. Агар мисвок ўта қурук бўлса, уни сув билан юмшатилади.

Бундан ташқари бошка дарахт шохлари ва тишни тозалаши мумкин бўлган воситаларни ҳам ишлатса бўлади. Чунки оғиз кон ёки бошка нарсалар билан қирланган бўлса, уни ювиб ташламасдан олдин Куръон тиловат қилиш қарих (ёмон) саналади.

- Куръон таҳоратлик холатда кироат қилинади. Бу хусусда ҳадиси шарифлар бисёр. Агар сув топмаса, таяммум қилади. Жунуб бўлган (одам) ва хайз кўраётган аёл бир ёки ундан кам микдорда бўлган оятни ўқишлари харомдир. Аммо харфларни талаффуз қилмасдан уни қалбдан ўтказсалар бўлади, шунингдек, улар мусхафга назар солсалар

хам жоиздир. Жунуб киши ва хайз кўрган аёл тасбех, тахлил, тахмид, такбир айтишлари ва Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам)га салавотлар йўллашлари мумкин. Бунга уламолар иттифок килишган.

Куръон оятини ният килмаган холда, мусибат етган пайтда «Инна лиллахи ва инна илайхи рожиъун» дейишлари, уловга минаётганда «Субханаллазий саххоро лана хаза ва ма кунна лаху мукринийн» деб айтишлари ва дуо килаётган пайтда Куръонни ният килмаган холда «Роббана атина фид-дуня хасанатан ва фил-ахирати хасанатан ва кина азабан-нар» дейишлари хам жоиздир.

- Жунуб киши ёки хайзли аёл сув топа олмасалар, улар хам таяммум киладилар, шундай килиб уларга кироат килишлари, намоз ва бошка амалларни бажаришлари мумкин бўлади. Агар таяммум килиб сўнгра намоз ўкиса ёки кироат килса, шундан кейин сув топилиб колса, яна бошидан тахорат олади ва агар сув топилгач, тахоратини янгиламаса, унга хам юкорида санаб ўтилган амал харом хисобланади.

- Кироат килиш учун пок ва тоза жой танланиши лозим. Шунинг учун кўпгина уламолар «масжидда кироат килиш мустахабдир» деганлар, чунки у ерда доимо озода бўлади, бошка бир тарафдан масжиднинг хурмати ва шарафини хам эътиборга олмок лозим. Абу Майсара шундай дейдилар: «Аллох фактгина пок жойда зикр килинади».

- Йўлда ёки сафарга кетаётганда кироат килиш, агар кироат килаётган одам адашиб кетмаса, жоиздир. Агарда кироатда хаёли чалгиса ёки янглишса, у холда йўлда тиловат килиш макрух. Набий (соллаллоху алайхи васаллам) мудрок холдаги кишига кироат килишдан кайтарганлар, чунки бунда одам адашиб, нотўгри кироат килиб кўйиши мумкин.

Абу Дардо (розияллоху анху) йўлда кироат килиб кетар эдилар. (**Абу Довуд ривояти**)

- Намоздан ташкарида хам киблага юзланиб тиловат килиш мустахабдир. Хадисда шундай ворид бўлган: «Мажлисларнинг энг яхшиси унда кибла томонга караб ўтиришдир». Куръон ўқиғувчи кори сокин ва викор билан, бошини куйи солиб, худди устози олдида одоб саклаб турган шогирддек ўтириши лозим. Кироатни туриб ёки тўшагида ётган холда хам килса бўлади, лекин ўтириб кироат килишлик афзалрок.

Аллох таоло айтади: «Албатта, осмонлар ва Ернинг яралишида хамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида акл эгалари учун (бир Яратувчи ва Бошкариб тургувчи Зот мавжуд эканлигига) оят-аломатлар бордир. Улар турганда хам, ўтирганда хам, ётганда хам Аллохни зикр киладилар хамда осмонлар ва Ернинг яралиши хакида тафаккур килиб (дейдилар): «Парвардигоро, (борлик)ни бехуда яратганинг йўк! Сен (бехуда Бирон иш килиш айбидан) поксан! Ўзинг бизни жаханнам азобидан асрагин!» (**Оли-Имрон сураси, 190,191**

)

Сахих санадли хадисда Оиша (розияллоху анху) ривоят киладилар: «Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) мен хайз кўраётган холатимда хам тиззамга суяниб Куръон ўқир эдилар». (Бухорий ва Муслим ривояти)

Бошка бир ривоятда эса «Бошларини тиззамга кўйган холда Куръон ўқир эдилар» деб

айтилган.

Абу Мусо Ашъарий (розияллоху анху) айтадилар: «Мен Куръонни намозда хам, ётогимда хам ўқийман».

Оиша (розияллоху анхо) эса шундай деганлар: «Дархакикат, мен Куръонни тўшагимда ётган хода хам ўқийман».

• Куръон ўқигувчи кироатни бошлашдан аввал «Аъзу биллахи минаш-шайтонир рожийм» деб айтади. Бу жумхур уламоларнинг кавл (гап) ларидир.

Баъзи уламолар эса таъаввузни кироатдан кейин айтади, дейишади. Бунга Аллох таолонинг куйидаги оятини далил қилиб келтирадилар.

Аллох таоло айтади: «Қачонки Куръон ўқисанг, албатта, малъун шайтон (васвасаси)дан Аллох панох беришини сўрагин!» (**Нахл сураси, 98**)

Лекин кўпчилик уламолар фикрича таъаввузни кироатдан олдин айтилади.

Энди таъаввузни кандок айтилишига келадиган бўлсак, кўпчилик салаф уламолар «Аъзу биллаҳис-самийъул алийм минаш-шайтонир рожийм» тарзида айтишарди. Ушбу сийга (шакл) хам макбул, лекин энг афзали биринчиси (яъни «Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм») дир.

Кироат аввалида таъаввузни айтиш мустахабдир, вожиб эмас, хоҳ у намозда ёки бошқа холларда бўлсин. (Баъзи тоифадаги уламолар уни айтишлик вожиб деганлар, шу сабабли, айтмасликдан кўра, айтишлик афзалдир). Шунингдек, «Тавба» сурасидан бошқа хамма суралар аввалида «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» деб айтиш лозим. Агар басмалани тарк қилса, кўпчилик уламоларнинг фикрича, Куръоннинг одобини бузган ҳисобланади.

• Кироат давомида ўзини хушў холатида тутиб, тадаббур билан ўқиши лозим. Бу ҳар бир коридан матлубдир. Шундай қилинса, кўнгиллар очилиб, қалблар нурланади ва иймон янада зиёдалашади.

Аллох (азза ва жалла) шундай дейди: «Ахир улар Куръонни тадаббур қилмайдиларми?» (**Нисо сураси, 82**)

Аллох таоло айтади: «(Эй Мухаммад (соллаллоху алайҳи васаллам), ушбу Куръон барча одамлар оятларини тадаббур қилишлари учун Биз Сизга нозил қилган бир муборак Китобдир». (**Сод сураси, 29**)

Бу хусусда ҳадислар кўп ва салафларнинг кавллари хам маълум ва машҳурдир.

Баъзилар биргина оятни тадаббур қилиб, уни тонггача такрорлаб чиқар эдилар. Баъзи солихлар айтадилар: «Қалбнинг давоси беш нарсадир:

— тадаббур билан Куръон ўқиш,

— кориннинг бўш бўлиши,

— кечалари (нафл) намозларида коим туриш,

— сахар пайтида Аллохга тазарруъ (дуо-илтижо) қилиш,

— орифлар суҳбатидан баҳраманд бўлиш».

Абу Зар (розияллоху анху) дан ривоят қилинади: Набий (соллаллоху алайҳи васаллам) биргина оятни ўқиб, уни тонг отгунча қайта-қайта такрорлаб чиқардилар. У оят

ушбудир:

«Агар уларни азобласанг, улар сенинг (ожиз) бандаларинг». (**Моида сураси, 118**)

Тамим Дорий (р.а.) хам ушбу оятни такрорлаб тонг оттирар эдилар: «Балки, ёмонлик-гунох касб этган кимсалар Биз уларни хам иймон келтирган ва яхши амаллар килган зотлар каби килишимизни ўйлагандирлар?!» (**Жосия сураси, 21**)

Убода ибн Хамза айтадилар: Мен Оиша (розияллоху анҳо)нинг хузурларига кирдим, у киши эса «Мана, Аллох бизларга мархамат кўрсатди ва бизларни Самум (яъни бандаларни илма-тешик килиб юборгувчи дўзахий шамол)дан саклади» (Тур сураси,27) оятини ўкиб туриб, уни яна кайтарар ва дуо килар эдилар, хатто вақт чўзилиб кетиб, бу менга малол кела бошлади ва баъзи бир хожатларимни бажариш учун бозорга кетдим. Сўнгра кайтиб келсам, у киши хали хам ўша оятни кайтариб ўкиб, дуо килар эдилар. (Ушбу ривоят Оиша (розияллоху анҳо) тўғриларидаги киссаларда келтирилади).

Ибн Масъуд (розияллоху анҳо) «Айтинг: Парвардигорим илмимни янада зиёда килгин» оятини кўп такрорлар эдилар.

Саид ибн Жубайр эса «Ва (барчангиз) Аллохга кайтариладиган Кундан кўркингиз» оятини кайта-кайта ўкир эди. Шунингдек, у киши

«Улар (кофирлар) якинда боражаклар. Ўшанда (яъни дўзахга ташланганларида) улар бўйинларида кишан ва занжирлар (билан) кайнок сув томонга судралурлар, сўнгра оловда ёндирилурлар» (**Гофир сураси, 70-72**) оятини кўп такрорлар эдилар.

Таржимонлар: Рахимов Зиёвуддин

Абдугофурова Севара